

Ўпиш, гап сотиш зинога кирадими?

15:46 / 24.04.2016 3998

Зино роса катта гуноҳ. Кўпчилик зинони эркак ва аёлнинг ношаръий қўшилиши деб тушунади. Лекин зинога яқин бўлган ўпишиш, қучоқлаш, кўз билан ёмон қараш, гап отиш кабилар ҳам зино саналадими? Бунинг гуноҳи тавба билан ювиладими ёки буларга ҳам жазо белгиланганми? Бундай иш қилганлар нима қилиши керак, бунинг каффорати қандай?

ЖАВОБ: Ўпиш, ушлаш ёки назар қилиш гуноҳ ва қаттиқ одобсизлик саналса-да, лекин зино собит бўлмайди. Албатта, бу каби ношаръий ишларнинг гуноҳи зиноникича бўлмайди. Шунинг учун уларнинг жазоси ҳам зиноникидан озроқ бўлади. Бу каби ҳолатларда керакли жазолар берилади, бундай жазолар “таъзир” дейилади (Аллоҳ билувчидир).